O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
9 IYUL
SESHANBA
№ 85 (26.944)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

Бакуда Озарбайжон — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг таъсис кенгаши бўлиб ўтди. Унда Озарбайжон парламенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистоннинг мазкур давлатдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. Абдураҳмонов кенгаш ишини очар экан, икки мамлакат ҳамкорлигининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари хусусида сўзлаб берди. Элчи ушбу дўстлик жамиятининг ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамланишидаги аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтди.

Кенгашда нутқ сўзлаган Озарбайжон илм-фан, маданият арбоблари, спорт, жамоат ташкилотлари вакиллари икки давлат ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш, бу ишга кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш, мамлакатларимиз ўртасида халқ дипломатиясини ривожлантириш хусусида гапирди.

■ «Жаҳон» АА

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОҚТОВ САФАРИ

Президент Ислом Каримов 6-7 июль кунлари Марказий Осиё давлатлари ва Россия раҳбарларининг Қозоғистоннинг Оқтов шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммитида иштирок этди.

Қўшни мамлакатларнинг интеграциялашувида бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга. Гарчи Оқтов учрашуви норасмий тарзда ўтган бўлса-да, давлатлар ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутади.

Учрашувлар Қозоғистон Президентининг шаҳардаги қароргоҳида бўлиб ўтди. Бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев кутиб олди. Президентлар суҳбатида икки дўст мамлакатнинг ўзаро муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг норасмий учрашувида асосий эътибор ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий интеграция жараёнларини янги босқичга кўтариш, шунинг асосида коммуникация, энергетика, транспорт соҳаларида ҳамкорлик, сув ва ҳаво йўлларидан янада унумли фойдаланиш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, экстремизм, наркобизнес каби иллатларга қарши биргаликда курашиш масалаларига қаратилди. Томонлар ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирар экан, масалалар ечими давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик ва тенг манфаатлилик асосига таяниши, айниқса, иқтисодий муаммолар ечимини баҳамжиҳат ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.

Президентлар Оқтовдаги ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз ва тожик миллий маданияти марказлари фаолияти билан танишди. Мазкур шаҳарда юзга яқин миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилади.

Оқтов — Каспий денгизи соҳилидаги шаҳар. Сўнгги йилларда ундаги денгиз порти янада кенгайтирилди ва замонавий асосда таъмирланди. Саммит қатнашчилари порт фаолияти билан ҳам танишди.

■ **Ф.МАҲМУДОВ, (ЎзА)**

✧✧✧

Суратда: *учрашувдан лавҳа.*

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

КУН ТАРТИБИДА — ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Ҳаммамиз йўловчимиз. Манзилга транспортнинг у ёки бу туридан фойдаланиб етиб оламиз. Транспорт воситаларининг тури ва сони кўпайган ҳозирги кунда ҳаракат хавфсизлиги жиддий муаммо бўлиб қолаётир. Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси мажлиси айнан шу масалага бағишланганлиги фикримиз далилидир. Мажлисда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон вилоятида бажарилиши муҳокама этилди. Унда шу соҳага дахлдор вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этишди.

Андижон вилоятида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида тегишли ташкилот ва идоралар ҳамкорлигида тадбирлар ўтказилмоқда. Вилоятнинг барча шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида йўл ҳаракати хавфсизлиги комиссияси тузилган ва улар ўз фаолиятларини амалдаги қонун асосида олиб бормоқда.

Андижон вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан автохўжаликлар ва ташкилотлардаги транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан зарур назорат ишлари олиб борилмоқда. Вилоят автомобиль йўлларида ҳаракатни тезкор назорат қилиш ва бошқариш мақсадида йўл-патрул хизматининг 5 та муқим маскани ва сафарбарлик гуруҳлари ташкил этилган. Автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш соҳасида вилоят йўлсозлари амалга ошираётган ишлар мажлисда яхши баҳоланди.

Андижон вилоятида 89 мингдан ортиқ хусусий автотранспорт воситалари рўйхатга олинган. Сир эмас, шахсий автомобиль эгаларининг маълум қисми тегишли жойдан рўйхатдан ўтмасдан йўловчиларга ноқонуний хизмат кўрсатмоқда. Одамларнинг соғлиги, ҳаёти билан боғлиқ бу масала ечимини тезроқ топиш керак.

Ҳаммамиз йўл юрамиз. Демак, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш барчамизнинг ишимиз.

Қўмита йиғилишида муҳокама этилган масала бўйича қарор қабул қилинди.

■ **Равшан ОМОНОВ**

ҚАРОР ВА ИЖРО

КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Интернетнинг мультимедиа деб номланган таълим дастурини ўзлаштириш юқори малакали мутахассислар тайёрлашга кўмаклашади. Унинг асосида Интернет ёрдамида масофадан туриб ўқитишдек янги педагогик технология ётади

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2001 йилнинг май ойида Олий Мажлиснинг V сессиясида сўзлаган нутқида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, уларни мактаблар ва олий ўқув юртлари дастурларига киритиш ҳамда одамларнинг кундалик турмушига сингдириш юзасидан аниқ вазифалар қўйди. Орадан йил ўтиб, (жорий йилнинг 6 июнида) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Маълумки, таълим мажмуининг ривожланиши мустақилликни мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлиш, жаҳон маданиятига кириб бориш ва янги технологияларни ўзлаштиришга кенг йўл очиб берди. Зеро, ҳозирги кунда олий таълимни модернизация қилиш, компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш аҳамияти кескин ошмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш, унга янги технологияларни ва Интернетни жорий этиш — устувор йўналишлардандир. Айниқса, мультимедиа деб ном олган таълим дастурини амалга ошириш юқори малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси билан боғлиқ. Бунинг асосида Интернет ёрдамида масофадан туриб ўқитишдек янги педагогик технология ётади.

Тўғри, ҳозир Ўзбекистонда мультимедиа материаллари унчалик кўп тўпланган йўқ. Шунга қарамай «Олий таълимга масофавий таълим компонентларини татбиқ қилиш» лойиҳасини жорий этиш бўйича Жаҳон банки институти ҳамда Швейцариянинг ривожланиш корпорацияси, Америка «Евразия» жамғармаси ҳамда Ўзбекистоннинг «Устоз» жамғармаси ёрдамида «Макроиқтисодиёт» ва «Микроиқтисодиёт» фани бўйича 30 та мультипликатор — ўқитувчи мутахассислар тайёрланди. 2000 йил сўнггида «Макроиқтисодиёт» фани бўйича масофавий таълимнинг Интернет тармоғида Тошкент давлат иқтисодиёт университети (ТДИУ)да «Халқаро бизнес» мутахассислиги бўйича 20 нафар магистр ўқитилди.

ДОН — РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

ХИРМОНГА БАРАКА, БОБОДЕҲҚОН!

Яқин ўтмишда бундай юксак хирмонни бунёд этиш тасаввуримизга ҳам сиғмасди

«Олтин, кумуш — тош экан, арпа, буғдой — ош экан». Тарихда неча-неча очарчилик ва йўқчилик йилларини бошдан кечирган донишманд халқимиз тўқиган нақл бу. Шундай қаҳатчилик даврлари бўлганки, одамлар олтин, кумушга ҳам нон тополмаганлар. Хайриятки, бу қўрқинч замонлар, мустамлака кишанлари остида эзилган кунлар ортда қолди. Улар энди худди афсонадек эшитилади. Ўз эркини қўлга олган халқимиз бугун пешона тери билан тупроқдан зар ундирмоқда. Тоғ қадар юксалган ғалла хирмонлари кўзни қувонтиради.

Мутахассисларнинг фикрича, бу йил етиштирилган ялпи дон ҳосили 5 миллион тоннага етади! Ахир, ўзингиз айтинг, Истиқлолнинг илк йилларида бу рақамни тасаввур қила олармидик? Пахта яккаҳокимлиги туфайли ғалла майдонлари қисқариб кетган, зарурий донни четдан олиб келишга мажбур эдик. Халқимизни нон билан таъминлаш жиддий муаммога айланган эди. Узоқ-яқин давлатларнинг қош-қовоғига қарар эдик. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўша пайтдаги нутқларидан бирида четдан келтирилаётган бир тонна ғалла йўл харажатлари билан бирга 190 долларга тушаётганини, уни харид қилиш учун сарфланаётган маблағларни янги технология, жиҳозлар сотиб олишга, бошқа устувор мақсадларга сарфласак, яхши эмасми, дея куюниб гапиргани ҳамон эсимда. «Республика бўйича ўртача 40 центнердан ғалла олиш, бу – қўлимиздан келадиган вазифа, — деган эди Юртбошимиз. — Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча».

(Давоми 2-бетда)

ДИҚҚАТ, ФОТОТАНЛОВ!

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

11

МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

«ОЗОД МАМЛАКАТНИНГ ОЗОД ФАРЗАНДИ, БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!»

Болалик, ўсмирлик, ёшлик онлари ҳар бир инсон хотирасида энг беғубор, энг пок, энг завқли, энг бахтли давр сифатида бир умр сақланиб қолади. Одамзод ўз умри давомида бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар хотирадан кўтарилиши мумкин. Аммо, болалик, ўсмирлик, ёшлик чоғларида кўрган-кечирганларимиз хотирамиздан ўчмайди.

Беғубор болалик, турфа туйғулар жўш ура бошлаган ўсмирлик, шиддат, шижоатга йўғрилган ёшлик даврида одамнинг табиати, дунёқараши шакллана бошлайди.

Айнан шу даврда ҳар бир инсон ўз ҳаёт йўлининг пойдеворини яратади. Унинг келажакда ким бўлиши, қайси касбни танлаши, қандай яшаши қунт билан ўқиши, сабот ва чидам билан ўз мақсади сари интилишига боғлиқ бўлади.

Ота-онани рози қилиш, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, юксак парвозларга шайланиш учун ёшликнинг ҳар дақиқасини ғанимат билиб, қадрига етиб меҳнат қилишга тўғри келади. Ёшликнинг энг баланд чўққиси — Ватанни таниш. Ватанни таниган Ватанга содиқ бўлади, уни кўз қорачиғидек авайлаб, асраб ҳимоя қила олади. Ватан шаъни, обрўси учун жонини ҳам аямайди.

Бугун халқимиз «Баркамол авлод орзуси» билан яшамоқда. Ёшларимизнинг чуқур билим олиши, замонавий касб-ҳунарларни ўрганиши, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши ва ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Айниқса, иқтидорли ёшларни маънавий-моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Бугун ўзбек фарзанди учун дунёнинг барча эшиклари очиқ. Бугун миллат умидига айланган ёшларимиз буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканлигини амалда исботлашмоқда. Улар яратаётган кашфиётлар халқаро танловларда эътироф этилмоқда. Қанчалаб ёшларимиз энг ривожланган мамлакатларда таҳсил олишмоқда, қанчалаб ёшларимиз жаҳон спорт майдонларида Ватан байроғини юксак кўтаришмоқда. Президент стипендиясига сазовор бўлмоқда. Зебо қизларимиз кўксини Зулфия номидаги Давлат мукофоти безаб турибди. Бугун бу ёшлар истиқболимиз тимсолларига айландилар. Улар ўз овозлари билан жаҳон ёшларининг уйғоқ овозларига қўшилмоқдалар.

Мустабид тузум йилларида бизни камситиб, таҳқирлаб келишди. Гўё ўзбекнинг боласи техникани, илм-фанни, сиёсатни, иқтисодиётни тушунмайди, тушунишга қурби етмайди. Жаҳон узра овозимиз янграшидан хавотирланишди. Дунёга чиқиш орзуси билан яшаётган миллатимиз ёшлари учун қора меҳнатдан бошқа нарса йўқ эди. Ҳақ-ҳуқуқини сўраганлар қатағон қилинарди. Бугун Ўзбекистон озод юрт, унинг ёшлари ҳам озод. Озод Ватанимиз истиқбол тимсоллари бўлган озод ёшларга умид билан кўз тикиб турибди. Мамлакатнинг эртанги тақдири улар қўлида бўлади.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти барча соҳалар бўйича республиканинг энг иқтидорли ёшлари эришаётган ютуқлар, илмий, ижодий изланишлар ҳақида ҳикоя қилувчи фотолар танловини эълон қилади. Мақсад ёшларни маънавий қўллаб-қувватлаш, орзуларига эришиш йўлида камарбаста бўлиш. Танлов номини академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг ўлмас сатрларига ҳамоҳанг қилиб олдик. Бу сатрлар бизнинг мақсад-муддаомиз ифодаси, десак хато эмас.

Танлов 2003 йил арафасида якунланади. Танлов низомига кўра ғолиблар учун учта асосий, бешта рағбатлантирувчи мукофотлар қўйилган:

1-ЎРИН — 150 МИНГ СЎМ
2-ЎРИН — 125 МИНГ СЎМ
3-ЎРИН — 100 МИНГ СЎМ

Танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлганлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Юборилаётган ишлар «Озод мамлакатнинг озод фарзанди, билиб қўйки, сени Ватан кутади!» танловига, дея кўрсатилиши зарур.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-69-45, 136-53-70, 133-65-45.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават 328-хона

Суратларда: *пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 182-ўрта мактаб 11-синф ўқувчилари Севда Агаева, Жаҳонгир Валиев, Асал Жалметова. Улар яқинда Фарғонада бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинларида баскетбол бўйича Тошкент шаҳар терма жамоаси сафида олтин медалларга сазовор бўлишди.*

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ЭЛ ШОДЛИГИ

Бугунги кунда бутун дунё аҳли яхши билади, Афғонистонда террорчилик ўчоқлари йўқ қилинишида Америка Қўшма Штатларининг саъй-ҳаракатлари катта аҳамият касб этмоқда. Зеро, АҚШ ташаббуси билан тузилган халқаро коалиция бунда ғоят муҳим ўрин тутди. Зеро, Афғонистонда вазиятнинг ўнгланишидан, террорчилик деган бало-қазонинг йўқ қилинишидан Марказий Осиё минтақаси давлатлари, айниқса, Ўзбекистон манфаатдорлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон ҳам қўшни сифатида, ҳам мақсадсиз уруш ва террорчиликдан жабр кўрган юрт сифатида жафокаш афғон тупроғида тинчлик ва осойишталик бўлишини азал-азалдан истаб келган. Шунинг учун ҳам АҚШнинг террорчиликка қарши бошлаган курашини мамлакатимиз биринчи кунданоқ қўллаб-қувватлади. Бу борада АҚШ билан ҳамфикр эканини очиқ-ойдин баён қилди. Мана, бир неча ойдирки, Ўзбекистон террорчиликка қарши курашиш, Афғонистонда тинчлик, барқарорликни ўрнатишга кўмаклашиш учун АҚШ билан елкама-елка туриб, қадам ташламоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚАРОР ВА ИЖРО

КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Интернет тармоғида масофавий таълим технологияси — ўқитиш характерини тубдан ўзгартиради. Авваламбор, катта ҳажмдаги ахборотлар тизими қайта ишланади, коммуникациянинг янги усул ва услублари ишга солинади. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги коллегияси қарори билан 2001 йилда Ахборот технологиялари ва масофавий таълим маркази бошқармаси ташкил этилди. Марказ эндиликда Ўзбекистон виртуал институтини ташкил этади. Ўтган йили у ТДИУ ўқув-илмий маркази базасида ахборот технологиялари ва масофавий таълими имкониятлари бўйича семинар-трейнинг ўтказди. Бунда Жаҳон банки институти лойиҳаси доирасида республиканинг бешта олий таълим институтлари ректорлари ва проректорлари иштирок этдилар.

Дарвоқе, биз компьютер технологияси соҳасида мислсиз ўзгаришлар юз бераётган даврда яшаяпмиз. Хусусан, Интернетнинг пайдо бўлиши бу ўзгаришлар ичида алоҳида ўрин тутади. Интернет — маълумотларни, ахборотларни узоқ масофаларга узатиш воситаси бўлиб, дунё нуқталарида юз берган янгиликлар ва маълумотларни барча мамлакатларга оний лаҳзаларда етиб боришини таъминлашини биласиз. Худди шу имкониятларига кўра, Интернет эндиликда сайёрамизда сиёсий-иқтисодий, молиявий, маданий сингари барча соҳаларда халқаро ҳамкорлик алоқаларини жадаллаштиришга бебаҳо ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирги кунда Интернетдан фойдаланувчиларнинг, яъни дунё миқёсида компьютер тармоғига уланиш имконига эга бўлганларнинг 88 фоизи саноати ривожланган мамлакатларга тўғри келади. Булар эса дунё аҳолисининг атиги 17 фоизини ташкил этади. Масалан, АҚШда ишлаётган компьютерлар сони дунёнинг бошқа мамлакатларидаги мавжуд компьютерлар сонига нисбатан кўп. Болгарияда эса Интернетдан фойдаланувчилар сони Африканинг шимолий қисмида жойлашган барча мамлакатлардагидан кўпроқ. Дунё аҳолисининг 23 фоизи яшайдиган Жанубий Осиёда эса атиги бир фоиз аҳоли Интернет билан ишламоқда. Марказий Осиё мамлакатларида бу кўрсаткич ҳозирча 0,8 фоизни ташкил қилади. Экспертлар хулосасига кўра, ривожланиб келаётган мамлакатлардаги муаммолар ва эҳтиёжларни ўрганиш учун Интернет бошқарувини мумкин қадар даражада кенгайтириш лозим.

Бугун Ўзбекистоннинг бир қатор олий ўқув юртлари Интернет тизимига уланган. Бу эса уларнинг халқаро миқёсдаги алоқаларини хилма-хил ахборотлар бойлиги билан фаоллаштирмоқда. Шу билан бирга, республикамиз таълим тизимида ўқитувчи — тингловчи алоқасини йўлга қўйиш мақсадида икки томонлама коммуникацион технологиялар ҳам кенг қўлланилмоқда. Бунда, юқорида айтиб ўтилганидек, масофадан ўқитиш тизимини Интернет имкониятларидан кенг фойдаланилган ҳолда жорий этиш кўзда тутилган.

Ҳозир масофадан ўқитишнинг бир нечта моделлари мавжуд.

Биринчи модель: манба (эҳтиёжмандлар, таълим олувчилар, ташкилотлар); дизайн (жараённи ишлаб чиқиш, муҳит, дастур ва баҳо); етказувчи босма материаллар (аудио ва видео ёзувлар); радиотелевидение, компьютер ва дастурий таълим (аудиоконференциялар, видеоконференциялар); ўзаро таъсир (ўқитувчилар, йўриқчи (консультант)лар, экспертлар, маъмурлар ва бошқа тингловчилар); ўқитиш муҳити (иш жойи, уй, синф, илмий марказ).

Иккинчи модель: ACTIONS (ДЗПИОНС) деб номланади ва у масофадан ўқитиш соҳасида қарорни қабул қилиш учун, хусусан, технологияларни танлаш учун мўлжалланган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, масофадан ўқитишнинг юқорида кўрсатилган ва бошқа моделларидан фойдаланишда интернет — иқтисодий фанлар бўйича доимо янгиланиб турадиган ресурслар сақланадиган «жой» ҳам ҳисобланади. Шунингдек, унинг ёрдамида ўқитишнинг эса янги усулларини ўзлаштириш мумкин. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керак, республикадаги алоҳида минтақаларнинг ягона Интернет тизимига уланиши ва жаҳондаги бошқа компьютер тармоқлари технологиясининг аниқ бўлишига қарамай ҳудудларда яшовчи талабалар билан ўқитувчилар ўртасидаги алоқа самарадорлиги ҳали тўла аниқ эмас.

Шунинг учун дастлабки лойиҳани Тошкент шаҳридаги 5 та олий ўқув юртида амалга ошириш мўлжалланган. Лойиҳанинг биринчи босқичи 2000 йилнинг июнь ойида 3 та олий ўқув юртида амалга оширилди, иккинчи босқичда эса (август, 2000 йил) ўқитувчилар тайёрлашга эришилди.

Ушбу лойиҳа доирасида ишлаб чиқариладиган масофадан ўқитиш курслари «Макроиқтисодиёт» ва «Микроиқтисодиёт» фанлари юзасидан бакалавр даражасидаги замонавий ўқув курсларининг алоҳида компонентларини ҳам ўз ичига олади. Ўқув курсларининг масофали (дистанцион) шакли — масофадан ўқитиш ҳолати ва ўқитишнинг анъанавийроқ усуллари билан бириккан Интернетни кўзда тутади. Мақсад — олий ўқув юртларида иқтисод бўйича ўқув режалари ва дастурларининг янгилаш жараёнини тезлаштиришдир.

«Ўзбекистонда иқтисодчиларни масофадан ўқитиш» Жаҳон банки институтининг тажриба лойиҳасини амалга ошириш бўйича таклиф этилаётган концепция қўйидаги ечимларга эга:

университет ва ўқитувчиларни танлаш — лойиҳанинг **биринчи босқичи;**

иккинчи босқич — иштирокчи университетларни аниқлаш билан бирга дублёр — ўқитувчиларни ўқитиш вазифасини белгилаш;

учинчи босқич — «Устоз» жамғармаси» ва олий ўқув юртлари (яъни, тажриба лойиҳаси иштирокчилари) ўртасида шартнома тайёрлаш ва имзолаш.

Лойиҳада микро ва макроиқтисодиёт бўйича ўқитувчиларни ўқитиш учун семинар-трейнинглар ўтказиб туриш ҳам режалаштирилган.

Ушбу концепцияда таълим тизимида масофадан ўқитишнинг моддий-техникавий базасини яратиш, ўқув-услубий материалларни тайёрлаш, лойиҳани ташкилий-маъмурий қўллаб-қувватлаш тадбирлари ҳам белгиланган. Олдинда — юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этишдан ташқари янги ахборот технологиялари бўйича услубий қўлланмалар яратиш, улардан фойдаланувчиларни ўқитиш, кутубхоналарни автоматлаштириш вазифалари турибди.

Масалан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқув жараёнида видео-аудио услубий қўлланмалар ва электрон дарсликлар қўлланмоқдаки, уларга кириб бориш — нафақат компьютер синфлари билан балки, Интернет тармоғи орқали ҳам амалга оширилади. Университет Интернетга киришни ажратилган радиоканал орқали бажаради. Бугунги кунда бу ерда 20 дан ортиқ ўқув-компьютер синфлари мавжуд бўлиб, улар 200 та замонавий компьютер (Nowell, Windows, NT, Windows-98) каби операция системалари билан жиҳозланган ва тармоққа уланган.

Халқаро Интернет тармоғига магистратурада 20, ректоратда 5, халқаро бўлимда 2, кутубхонада 12 та компьютер уланган. Виртуал кутубхона самарали ишлаб турибди. Талабаларга ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар ва библиографияларни расмийлаштиришда қулай имкониятлар яратилган. Бундан ташқари «E-mail» электрон почталари университет кутубхонасида, унинг қошидаги бизнес мактабида ва бу ердаги бирлашган Вена институтининг ҳудудий марказида мавжуд. Фаолият кўрсатиб турган 4 та видео ва 2 та аудио залларининг келажакда хизмат доирасини кенгайтириш ҳам кўзда тутилган.

Буларнинг ҳаммаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг ижроси йўлида амалга оширилаётган ишлар. Зеро, ахборот технологиясининг энг замонавий имкониятларини ўқиш-ўқитиш ишларига жорий этиш — таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларимиз мазмун-моҳиятининг замон талабига ҳамоҳанглигидир ҳам.

■ **Анвар ЭШМУҲАМЕДОВ,**
ТДИУ «Макроиқтисодиёт» кафедраси мудири, профессор,
Искандар ЁҚУБОВ,
кафедра доценти

ЎТГАН ҲАФТА:
ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ЭЛ ШОДЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 29 июнь куни Оқсаройда АҚШ конгресси Вакиллар палатаси Қуролли кучлар бўйича Қўмитасининг Тараққиёт ва ҳарбий тадқиқотлар бўйича ички қўмитаси раиси Дункан Хантер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Ўнда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам муштарак саъй-ҳаракатларни давом эттириш масалалари юзасидан келишиб олинди. Бундай ўзаро келишув ва тушунувлар — биринчидан, халқаро аксилтеррор коалициясининг муваффақиятларида Ўзбекистоннинг алоҳида ҳиссаси борлигини эътироф этса, иккинчидан, АҚШ конгресси делегацияларининг ҳар бир ташрифи чоғида томонлар ўзларини қизиқтирган масалалар билан бирга туғилаётган айрим муаммолар ечимида ҳам ҳамкорлик қилаётганликларини кўрсатади.

Юртбошимизнинг 5 июнь куни Германиянинг федерал иқтисодиёт ва технология вазирлиги давлат котиби Аксел Герлах ва Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Виктор Христенко билан бўлган Оқсаройдаги алоҳида-алоҳида қабуллари — учрашувларида ҳам томонларнинг манфаатдорлиги биринчи ўринга қўйилди.

Масалан, Германия бугунги кунда Ўзбекистонда қўшма корхоналар очиш борасида Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида иккинчи ўринда турибди. «Сименс», «Даймлар Крайслер», «Басф», «Тиссен Крупп», «Люфтганза», «Алкател» сингари 55 та фирма ва компаниялар бугунги кунда мамлакатимизда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон — Германия қўшма корхоналарининг ҳаракатга келганлари сонининг ўзи 138 тага етди. «Дойче банк АГ», «Банкгезельшафт Берлин», «Коммерцбанк АГ» ва «Дрезднер банк» каби 4 та йирик банк эса ўз ваколатхоналарини очди.

Томонлар ўртасидаги бундай иқтисодий ҳамкорлик ривожи россиялик меҳмон билан бўлган мулоқотда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилгани диққатга сазовор. Жумладан, ўтган йили Ўзбекистон билан Россия ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард АҚШ долларига етди. Шунингдек, нафақат иқтисодий, балки сиёсий, илмий, ижтимоий соҳаларда ҳам ҳамкорлик ривож топди.

Кўриб турибсиз, мустақил Ўзбекистон ўз истиқлолининг ўтаётган жуда қисқа даври — 11 йил ичидаёқ жаҳон мамлакатлари билан барча жабҳалардаги ўзаро алоқаларда тобора обрў-эътибор топмоқда, нуфуз орттирмоқда, пировардида, салоҳиятини мустаҳкамламоқда.

Ўтган ҳафтанинг энг муҳим воқеаларидан бири — республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида Президентимизнинг «2002 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» чиқарган Фармони бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган ҳафтамизда рўй берган ҳар бир тадбир замирида — эл бахт-саодати, шодлиги ва шодумонлиги мужассам топди.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

ОРОМ ИЗЛАБ БОРМАНГ ЙИРОҚҚА, КЕЛИНГ, ЎЗИМИЗНИНГ «ХУМСОНБУЛОҚ»ҚА

Чотқол тоғ этаклари қишлоқларини, дараларини, сойликларни, сўлим-сўлим гўшаларни кўз олдингизга келтиринг: Хумсон, Сўқоқ, Нанай, Қизилсой, Паркент, Оқтош, Бурчмулла, эҳ-ҳе... қанчадан-қанча улар... Айниқса, Хумсон қишлоғи ўзгача. Чўққилардан оқаётган зилол сув тоғ-тошларга урилиб, гоҳ кўпикланиб, гоҳ мавжланиб одамлар томон ошиқади. Соя-салқин дарахтзорларда турфа сайроқи қушлар Угом дарёси тўлқинлари устида чарх уради...

Агар бу жаннатмакон масканга илгари йўлингиз тушмаган бўлса, энди бир қадам ранжида қилинг, армонда қолмайсиз. Яқинда бу ерда «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ташаббуси билан «Хумсонбулоқ» оромгоҳи бунёд топди. Компаниянинг махсус қурилиш жамоаси барпо этган бу оромгоҳ олдида олдинлари одамлар ҳавас қилган Ялта, Сочи, Пицундаларга энди йўл бўлсин.

Европа андозалари асосида қурилган ва бағрида бир йўла 140 кишининг сиҳат-саломатлигини тиклаш имконига эга бу дам олиш масканида ҳордиқ олувчилар учун ҳамма қулайликлар муҳайё: ошхона, сўрилари қатор-қатор чойхона, кундалик эҳтиёжлар дўкони, шинам-шинам котежлар, чўмилиш ҳавзалари, шахмат-шашка, биллиард, тиббий хизмат турлари... Яна бир муҳим жиҳати, қишлоқда оромгоҳ очилиши муносабати билан маҳаллий аҳоли учун 80 та янги иш ўринлари очилди.

Суратларда: *оромгоҳдан лавҳалар.*

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) ва Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар

КЕМИРУВЧИГА ҚИРОН

Наманган вилоятида кемирувчиларга қарши оммавий кураш бошланди. Гап шундаки, кейинги йилларда кемирувчилар кўпайиб бормоқда. Бу биринчи навбатда, аҳоли саломатлигига, қолаверса, вилоят иқтисодиётига жиддий хавф солмоқда.

Вилоят ҳокимлиги чиқарган махсус фармойишга кўра, дезинфекция ишлари учун ички имкониятлардан 15 млн., жумладан ветеринария-санитария гуруҳига 3 млн. сўм маблағ ажратилди. Мазкур маблағлар кемирувчилар кўпайган ҳудудларни, ариқ ва каналлар бўйларини, канализация тармоқлари ва бошқа хавфли ҳисобланган жойларни зарарсизлантириш учун сарфланади.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари қошида мутахассислардан иборат гуруҳлар оммавий курашни асосий ташкил этувчилар ҳисобланиб, аҳоли яшаш ҳудудлари ҳамда бошқа объектларда олиб бориладиган зарарсизлантириш тадбирлари уларнинг назоратида бўлади. Шунингдек, бу борада аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш ҳам кўзда тутилган.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДОН — РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

ХИРМОНГА БАРАКА, БОБОДЕҲҚОН!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун ана шу орзулар рўёбга чиқди. Биз ўз донимиз билан ўзимизни тўла таъминладик. Ўртача ҳосилдорлик 42 центнердан ортиб кетди. Айрим оилавий пудратчилар гектаридан 100 центнергача ҳосил олишди. Омборлар ғаллага тўлди. Деҳқоннинг кайфияти кўтарилди. Зеро, уйида ғалласи бор одамнинг кўнгли тўқ бўлади. Кўнгли тўқнинг эса ҳамиша кўзи ҳам тўқ.

Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Давлатимиз раҳбариятининг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, қишлоқ хўжалигидаги хусусийлаштириш ва эркинлаштириш жараёнлари, моддий манфаатдорликнинг ўсиши, янги техника ва технологияларнинг жорий этилиши муваффақият гарови бўлди. Ҳозирги пайтда 1 миллион гектардан ортиқ суғориладиган ерларга ғалла экилмоқда. Бунга адирлар бағридаги лалми ерларни ҳам қўшсангиз, катта имкониятлар борлиги маълум бўлади. Эндиги вазифа экин ерларини кенгайтириш кетидан қувмай, ҳосилдорликни муттасил ошириб бориш чораларини излаб топишдан иборатдир.

Ота-боболаримиз мана шу тупроқларда қадим-қадимдан дон етиштириб келган. Энг оғир йилларда ҳам бу ўлкага четдан ҳеч ким ғалла олиб келмаган. Хўш, биз қачондан бошлаб донни четдан келтира бошладик? Бундай аҳволга қандай тушиб қолдик?

Бунинг асосий сабаби – деҳқончиликда пахта яккаҳокимлигининг вужудга келиши эди. Бу жараённинг илдизи эса мустамлакачилик даврига бориб тақалади. Чор Россияси Марказий Осиёни истило қилганидан кейин бу ерни қимматбаҳо хомашё – пахта етиштириладиган юртга айлантириш учун астойдил интилди. Чунки бу ўлкада асрлар бўйи ғўза ўстириб келинган, иқлим шароити ҳам шунга мос. Қолаверса, деярли текин ишчи кучи мавжуд эди. Россия марказидаги мануфактуралар-нинг арзон пахтага эҳтиёжи эса тобора ортиб борарди. Марказий Осиёни улкан пахта майдонига айлантириш режаси йилма-йил қатъият билан амалга оширила бошланди.

ХХ аср бошларидаёқ Сибирдан Туркистонга темир йўл ўтказиш масаласи кўтарилди. Бунда, албатта, аҳоли эҳтиёжи эмас, балки биринчи навбатда Сибир ва Еттисувнинг арзон ғалласини Туркистонга олиб келиш, маҳаллий ерларни эса донли экинлардан бўшатиб, пахта экишга ўтказиш кўзда тутилган эди. 1914 йилда Санкт-Петербург шаҳрида чоп этилган «Азиатская Россия» тўпламида шундай сатрлар бор: «Бўлажак Еттисув йўли атрофидаги ҳудудларда 28 миллион пуд ортиқча ғалла бор. У ердан Туркистонга ҳеч бўлмаганда 20-22 миллион пуд ғаллани олиб келиш 400 минг десятина ерни пахта экишга ўтказиш имконини беради...»

Бундай мустамлакачилик сиёсати шўролар даврида ҳам давом эттирилди. Пахта майдонлари йилма-йил кўпайтириб борилди, донли экинлар билан бирга сабзавот ва полиз экинлари ҳам камайди, ширин-шакар мевали боғлар нобуд қилинди...

Мустақиллик шарофати туфайли бу ҳалокатли сиёсатга нуқта қўйилди. Деҳқон яна ўз эркини қўлга киритди, ернинг ҳақиқий эгасига айланди. Дон билан бирга пахта, пилла, полиз ва сабзавот, мевалардан мўл ҳосил олинмоқда. Албатта, ҳали қишлоқда бозор муносабатларини тўла шакллантириш учун анчагина ишлар қилиниши керак. Аммо, илк самаралар кишини қувонтиради.

Ғалла ортилган карвонлар оқими давом этмоқда. Комбайнлар тиним билмайди. Далаларда етиштирилган ҳосил сўнгги миқолигача йиғиштириб олиниши керак. Бу бизнинг ризқи рўзимиз, фаровонлигимизнинг тамал тоши.

■ **Насриддин МУҲАММАДИЕВ**

ҒАЛЛА ХИРМОНИМИЗ ЮКСАЛМОҚДА

Тошкент вилояти Қибрай тумани бободеҳқонлари давлатга ғалла сотиш шартнома режаларини бажардилар. Қабул пунктларига 8035 тонна ўрнига 8100 тонна сара дон етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 43 центнерни ташкил қилди.

Ушбу улкан хирмонни бунёд этишда «Дўрмон», Бурота, «Маданият», Байтқўрғон, «Истиқлол» ширкат хўжаликлари муносиб улуш қўшдилар. Дала дарғаларининг йил давомида олиб борган фидокорона меҳнати туфайли нонлари бутун бўлди. Меҳнатга яраша рағбат топдилар. Оилавий пудрат бошлиғи Ш. Алимқулов ҳар гектар ердан 70 центнердан, О. Юсупов 69 центнердан, Р. Танашова 60 центнерда ҳосил кўтаришди.

Ҳали далаларда ҳосил мўл. Уни нобуд қилмай йиғиштириб олиш эса қибрайликларнинг галдаги вазифасидир.

■ **Ўз мухбиримиз**

ҚАРИЯЛАР КЎНГЛИНИ ОЛИБ

Тахиатош ҳокимлиги шаҳар марказида сўлим оромгоҳ ташкил этиш билан қарияларни мамнун этди. Қарияларни соғломлаштириш сиҳатгоҳи 75 кишига мўлжалланган. Хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланиб, даволаш хоналари замонавий тиббиёт асбоб-анжомлари билан таъминланган.

— Шифокору ҳамширалар кексалар хизматида, — деди сиҳатгоҳ бош шифокори Жумагул Алиева. — Физиотерапия, циркуляр душ даволаш ваннаси, уқалаш, балчиқ, парафин муолажалари беморлар саломатлигини тиклашда яхши самара бермоқда.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ҚАРОРГА ЗИД РУХСАТНОМАЛАР

Ҳукуматимиз иқтисодни яхшилаш, халқимиз турмуш шароитини кўтариш бўйича қатъий чоралар кўряпти. Яъни, бугунги кун, бозор шароитини ҳисобга олиб, айтиш мумкинки, етти ўлчаб бир қарорга келиняпти.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилдаги «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 1999 йилдаги «Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат назоратини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларида вино-ароқ маҳсулотлари фақат юридик шахсларга сотилиши белгиланган. Аммо мазкур қарорлар ижроси баъзи жойларда бажарилмаяпти. 2000 йилда 7 нафар хусусий тадбиркорга маҳаллий ҳокимликлар томонидан ноқонуний равишда рухсатнома берилган. 2001 йилда эса ҳукумат қарорларини бузувчилар сони «ортиб» 11 тага етган. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман ҳокимлиги фуқаролар Қосим Бердиев ва Луқмонжон Абдуллаевга «сахийлик» қилиб Вазирлар Маҳкамасининг қарорига зид ҳолда вино-ароқ маҳсулотлари билан савдо-сотиқ қилишга рухсатнома бериб юборишганига нима дейсиз? Китоб тумани ҳокимлигидаги масъуллар эса Салом Бозоровга бир эмас, иккита рухсатнома тутқазишганини қандай оқлаб бўлади? Андижон вилояти Марҳамат тумани ҳокимлиги мутасаддиларининг «марҳамат»идан Машрабжон Қурбонов ҳам бенасиб қолмади. У «Чўнтагимда акахонларим берган рухсатнома бор», дея «бизнес»ини бошлаб юборди. Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ҳокимлигидагилар ҳукумат қарорини қўпол тарзда бузиб уч нафар фуқаро — Улуғбек Мингбоев, Аҳрор Жалилов ва Жамол Жўрабоевга ҳеч иккиланмай «оқ фотиҳа» беришгани таажжубли ҳол эмасми?! Бу ҳақда Қўқон шаҳар ҳокими муовини Абдували Валиевдан сўраганимизда «Мастона» (ароқни демоқчи) сотиб бюджетга тушумни кўпайтириш учун бизга Тошкентдан бир-икки одамга рухсат бериш ҳақида алоҳида телефонограмма бор», деди. Олтиариқ тумани ҳокими муовини Абдужаббор Мамадалиев нега хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб Мўйдинжон Юсупов ва Холмат Аҳмедовга ноқонуний ҳужжат бериб юборди? Тошкент шаҳар Сирғали тумани ҳокимлиги мутасаддилари ҳам олтиариқликлардан қолишмади. Фофур Эрназаров деган фуқаро ҳокимликдагилар билан қандай «тил» топишган, бизга қоронғи. Аммо, унинг вино-ароқ билан савдо қилишга рухсат олгани бор гап. Булар ҳозирча аниқланганлари.

Шу ўринда табиий савол туғилади: ахир жойларда ҳукумат қарорлари ижросини айнан улар таъминлаши керак эмасми? Хўш, унда нега айрим шаҳар ва туман ҳокимлигидагилар Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари талабларига зид иш тутишган?

■ **Тоҳир ХОЛИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти бўлим бошлиғи. Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

2002 ЙИЛ – ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

АМЕРИКАГА – МЕҲМОНДОРЧИЛИККА

Тоғ тоғ билан учрашмайди, лекин одам одам билан учрашади, деганлари ҳақ гап экан

1945 йилнинг баҳори. Уруш ниҳоясига етиб бормоқда. Эльба дарёси бўйидаги шиддатли жангга америкалик иттифоқчилар ҳам келиб қўшилди. Жанг сўнггида самарқандлик жангчи Саидқул Қулиев америкалик аскар Герберт Нэриги билан дўстлашди. Жангчилар ўзаро дилдан сухбатлаша олмасалар-да, ғалабадан қалблари севинчга тўлганди. Шу боис, улар бир қўлида шампан виноси, иккинчи қўлида стакан ушлаганларича суратга тушдилар.

Саидқул урушдан соғ-омон қайтиб, ўзи туғилиб ўсган Самарқанд туманининг Улуғбек қишлоғида хўжалик ишларида фаол қатнашди. Эл-юрт хизматига камарбаста йигит-қизларни тарбиялади. Сўнг пенсияга чиқди.

Қария ўз қишлоғидаги Нодир Девонбеги ёдгорлигини айланиб юриб, хорижлик сайёҳга кўзи тушди. Узун бўйли, сочлари оппоқ сайёҳ таржимоннинг қўлидан ушлаб, у томон келмоқда эди. Сайёҳ Саидқул бобога тикилиб турдида таржимон орқали уруш, айниқса Эльба дарёси жангги тафсилотларини сўради. Унинг кўз ўнгида тарих жонлангандек бўлди. Кейин чўнтагидан сарғайган бир дона суратни олиб унга кўрсатди.

— Мистер Герберт, дўстим!

Улар қучоқ очиб кўришдилар.

Америкалик кекса сайёҳ «Ўзбекистонга боряпман. Небахтки, қуролдош дўстимни кўрсам», дея ҳар эҳтимолга қарши уруш даврида тушган суратини чўнтагига солиб қўйган экан.

Дийдорлашув, меҳмондорчилик ва сухбат тўкин дастурхон атрофида давом этди. Ўзбекона меҳмондорчилик ва илтифотдан боши кўкка етган америкалик сайёҳ хайрлашув чоғи дўстига ташриф қоғози тутқазди: «Бу йил Ўзбекистонда қарияларни қадрлаш йили экан, буни эшитиб бошим осмонга етди. Сени кутаман, дўстим! Герберт Нэриги, Сан Марго штати, АҚШ». Самарқандлик қария Америкага меҳмондорчиликка бориш учун самолётга чипта ҳам олиб қўйди. Кўнгил эса ҳаяжонда. Ахир қариганида Америкага меҳмондорчиликка бориш ҳеч хаёлга келмаган иш бўлдида.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ВАШИНҒТОНДА «САМАРҚАНД МАЙДОНИ»

Вашингтонда ҳар йили анъанавий мусиқий-этнографик фестиваль ўтказилади. «Буюк ипак йўли: маданиятларни бирлаштириш ва ишонч ҳосил қилиш йўлида» шиори остида ўтган бу йилги анжуман ушбу йўналишда яшовчи халқларнинг маданияти ва санъатига бағишланди



Вашингтонликлар ва пойтахт меҳмонлари шаҳарнинг асосий кўчаларидан бири – Миллий хиёбонда кичик ҳажмдаги ўзига хос «Буюк ипак йўли» барпо этилаётганининг шоҳиди бўлдилар. Қадимги карвон йўли мамлакатларининг тарихий обидалари тимсоллари Капитолий биносидан Жорж Вашингтон ҳайкалига олиб борувчи майдон бўйлаб қад ростлади.

Ушбу шоҳкўчанинг энг марказида барпо этилган Регистон майдони «Samarkand square – Самарқанд майдони» деб номланди ва айнан шу ер фестивалнинг очилиш маросими учун танланди. Фахрли меҳмонлар орасида АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл, сенаторлар Эдвард Кэннеди ва Сэм Браунбек, Вашингтонда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар вакиллари, шунингдек кўплаб ҳомийларни кўриш мумкин.

Вашингтонда бўлиб ўтаётган ушбу анжуманда қадимги карвон йўли бўйлаб Японияндан Италиягача жойлашган давлатларнинг тўрт юздан ортиқ мусиқа ва халқ амалиёти санъати намояндалари ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар.

Миллий павильонларда мусиқа ва рақс санъати билан бир қаторда заргарлик, кулолчилик ва энг муҳими, ипак ва хонатлас намуналари зиёратчилар эътиборига ҳавола этилмоқда. Айниқса, марғилонлик уста Давлат Умаралиев томонидан яратилган хонатлас меҳмонларнинг диққатини ўзига тортди.

Фестивалда рақҳоса Қ.Дўстмуҳамедова, «Карвон» арт-галереяси, Республика қўғирчоқ театри, «Ҳамса» ҳунармандчилик маркази, Ж.Набиев ва И.Маллаев каби санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.

Анжуман фаолияти давомида қизиқарли учрашув ва фикр алмашувлар бўлиб ўтдики, уларда Буюк ипак йўлини тиклаш ва ривожлантириш, шу орқали Шарқ ва Ғарбни, уларнинг маданиятларини янада яқинлаштириш фикри қайта-қайта такрорланди.

■ **Б. МАМАЖОНОВ, «Жаҳон» АА,** Вашингтон.

ОИЛА, БОЛА, МАҲАЛЛА, ТАРБИЯ

ЎКСИК КЎНГИЛЛАРНИНГ УВОЛИ ТУТМАЙДИМИ?

АЖРАШАЁТГАН ОТА-ОНАЛАР, ИЛТИМОС, ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ КЎЗЛАРИГА БИР ҚАРАНГ, У КЎЗЛАР НИМА ДЕЯПТИ, НИМАЛАРНИ ИЛТИЖО ҚИЛАЯПТИ?

Ўтган йил қишда Қуванинг шундоқ биқини, қўшни вилоятга қарашли қишлоқда рўй берган воқеа бутун водийни даҳшатга солди.

Мухтасар қилиб сўзласак, эр-хотин ажрашадида, ҳали мурғак, меҳрга, парваришга зор қизча ва укачаси тирик етим бўлиб қолади. Бири саккиз, бири олти ёшли жужуқларни кекса бобобуви уйида қолдириб, она ўзга эркак этагини тутиб кетади, ота янги хотин олади. Икки-уч йил ичида ота ҳам, она ҳам янги оилада фарзандли бўлишади. Бу ёқда отаси бору отасиз, онаси бору онасиз кўнгли ўксик опа-ука ҳам улғаярди. Соғинса-да ҳадик билан отасини йўқлаб боришса, ўгай она қовоғидан қор ёғади, она бағрини истаб ўгай ота уйига киришса, этни жунжиктирувчи совуқ нигоҳ уларни кўчага ҳайдайди...

Икки гўдак қиш куни онаникига боришса, у (бечора аёл! Уни ҳам тушуниш керак, иккинчи рўзғор: олдинги оиласи, болалари деб эри билан орага совуқлик тушишини истамайди) қўлларига туршак тутқазиб:

— Уйга боринглар энди! — дейди болаларни аста кўчага чорлаб, юзини буриб олади.

Оқшом. Бир тутам қиш куни ҳам поёнига қараб боряпти. Тирик етимлар бошларини ҳам қилганларича, елка қисиб ота хонадонига йўл олишади. Отанинг ҳам юзи ёришмади. Ичкари тарафга бир қараб олди-да, (хотини билмагани маъқул, ўзи шундоғам шу тирик етимлари боис муросалари келишмай юрибди) чўнтагини шоша-пиша кавлаб, ғижимланиб ётган иккита қоғоз пулни тутқазаркан:

— Борақолинглар тез-тез. Югургилаб кетинглар. Бошқа келманглар, ўзим ўтарман! — деди хиёл очиқ дарвозани ёпаркан. Норасидалар билишади, оталари ҳеч қачон уларни йўқлаб бормайди. Ота меҳрига интиқ гўдакларнинг ўзлари келишгани ҳам шундан.

...Изғирин болаларни ямлагудек. Тун оғушида. Бир-бирининг пинжига тиқилиб, ота-оналари ёнидан қувилиб, умидлари сўниб, кўнгиллари тўкилиб қайтаётган гўдаклар ортиқ юришолмади. Дала йўли четидаги хароба шийпонга киришди. Деворга суяниб ўтирган опа совуқдан дилдираб, ранги ўчиб бораётган укасини бағрига олди.

Эрталабки қуёш даҳшатли воқеа гувоҳи бўлди. Совуқдан эти увушган опа зўрға кўзларини очди, лекин қучоғига бошини қўйган укаси кўзларини очмади, совуқдан қотиб қолганди...

Бу фожианинг сабаби нимада, норасида гўдакларнинг айби нимада? Уларнинг бахтини ўз ота-оналари асрамаса, ким асрайди?.. Бу саволлар атрофида кўп гапириш, баҳслашиш мумкин. Афсуски, ўксик кўнгилли тирик етимлар камаймаяпти. Оилалар бузилмоқда. Суд остоналарида бир-бирини «ғажиб» ташлашга тайёр ота-оналар оёқлари остидаги мунчоқ кўзлари — мурғак жонларнинг болалик қувончидан маҳрум қилишмоқда.

Ота-она ажрашиб кетишгач, қариндошлари қарамоғида қолган болалар орасида охири надоматли йўлларга кириб кетаётганлари ҳам учрайди. Олтиариқдаги Янгиқўрғон қишлоғида яшовчи Аҳаджон Мадраҳимов мактабга бормай қўйди. 9-синфда ўқиши лозим бўлган бу ўсмир ўқишдан бош тортиб, кўча-кўйларда юрар эди. Маълум бўлишича, Аҳаджоннинг ота-онаси 1988 йилда ўзаро ажрашиб, ҳар иккиси ҳам бошқа турмуш қуриб кетишган. «Ҳа, энди, тақдир...» дейсизми? Аммо, бобоси қўлида қолган гўдак тарбияси-чи? Кекса бобо ёш, ерга урса кўкка сачрайдиган ўсмирни доим ҳам назорат қилиб туролмайди-ку... Шу қишлоқдаги Салим Отажонов ҳам мактабга бормай юрди. У фақат онаси билан яшайди. Она эса руҳий хаста...

Фарғона вилоятида ота-онасининг турмуши бузилиб, ҳар иккиси бошқа оила қуриб кетгач, бобоси ё бувиси қарамоғида қолган 350-400 нафар бола бор. 2,5 миллион аҳоли яшайдиган вилоят учун бу дарёдан бир томчига ўхшаш мумкин. Бироқ уларнинг ҳар бири ўксик, меҳрга ташна кўнгил соҳиби. Ҳар бир шундай тақдир битта фожиа. Вилоят прокуратураси ўтказган таҳлилларга қараганда, бу болаларнинг аксарияти тарбияси ёки моддий таъминоти ҳақида ота-оналари деярли қизиқишмаган...

— Набирам Наргизахон Қўлдошевани бир ёшидан бери мен тарбиялаб келаман, — дея таҳририятга мактуб йўллайди Қўқон шаҳар, Фирдавсий кўчаси, 17-уйда яшовчи Энахон опа Узоқова, — Қизим эри билан ажрашгач, набирамни қарамоғимга олганман. Набирам ҳозир 8-синфда ўқийди. Отаси Азиз Қўлдошев алиментни вақтида тўламайди. Судлашдик ҳам... Лекин...

Ўз жигарбанди тарбияси, моддий таъминоти учун бепарво бўлиш шунчалар...

Фарғона шаҳрида яшовчи, вояга етмаган К. Абжимамбетова оиладаги носоғлом муҳит таъсирида жиноятга қўл урган...

Статистика маълумотларига қараганда, никоҳдан ажратиш ишлари сони бўйича Фарғона Тошкент вилояти ва шаҳридан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди. Ўтган йили вилоят судлари томонидан 2305 та никоҳдан ажратишга доир ишлар кўрилган, бунинг 2029 тасида вояга етмаган фарзандлар, аниқроғи 1111 нафар мурғак тақдири бор эди.

Ё, алҳазар! Муҳаббатни, оилани муқаддас билган Анвару Раъно лар, Кумушбибилар авлодларига нима бўлди? Болажонлиги, оилапарварлиги билан танилган Фарғона ёшлари нега бундай уятли рўйхатнинг юқорисига чиқиб олишди? Ёш оилалардаги ажралиш можароларининг йилдан-йил, ойдан-ой урчиб кетаётганлиги нега бизни ажаблантирмай қўйди?

«Қушнинг уяси ҳам бузилмасин», дейишади. Ҳар бир бузилган хонадон жамиятнинг оғриқ нуқтаси. У нафақат шахсий, балки ижтимоий иллат ва давони талаб этадиган дарддир. Хўш, бу борадаги ишларимиз қандай?

Фуқаролар йиғинлари, маҳалла оқсоқоллари, фаоллар, хотин-қизлар қўмиталари, ёшлар ташкилотларининг бу борадаги мақтагулик ишлари, тажрибалари қани?!

Тўғри, ёшлар билан оила, никоҳ масалаларида сухбат, учрашувлар ўтказиб турилади. Аммо, бундай анъанавий тадбирларнинг таъсир кучи етарли бўлаяптими?..

«Оила — мўъжазгина бир жамият. Бутун инсоният жамиятининг дахлсизлиги ҳам унинг жипслигига боғлиқ», деган эди америкалик педагог Феликс Адлер. Юқорида саналган масъул ташкилотлар, кенг жамоатчилик ўз ишлари йўналишини энг аввало оилани мустаҳкамлашга, оила муҳитини яхшилашга қаратсалар. Ҳар бир нотинч оила маҳалла қўмитаси, хотин-қизлар кенгашлари, оқсоқоллар, кайвони аёллар назоратида бўлса. Бу — фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашиш эмас, халқимизнинг минг йиллик удумлари, анъаналарига садоқат.

Марғилонлик Мадраҳимовлар оиласи ҳам бузилган. Уч жуфт қора кўз мўлтираб қолди. Катта ўғил Хуршидбек Мадраҳимов бир шеър ёзиб юборибди.

Мунғайса гар «отам» дер юрак,
Ўртанса гар «онам» дер юрак,
Сизсиз дунё менга не керак,
Йиғлаб қолди етим кўзларим.
«Ота» деган ширин садолар,
Юрагимни қилди адолар,
Меҳр тилаб бўлдим гадолар,
Йиғлаб қолди етим кўзларим.
Ўз уйимда бегонадайман.
Кўча-кўйда девонадайман.
«Ота» десам, оворадайман,
Йиғлаб қолди етим кўзларим.

Табиатнинг ўзгармас бир қонуни бор: ҳар бир тирик жонзот, ҳар бир дарахт, ҳар қандай майда гиёҳ ўзидан албатта авлод қолдиради. Неча миллион йиллардан буён шаклланган олий инстинктга бўйсуниб онгсиз ҳайвон ўзи вужудга келтирган наслини парваришлаб ўстиради. Дарахт ўзидан кейин қоладиган ниҳол юзага келиши учун уруғ тугади. Қурраи заминимиздаги меҳвари ҳам шундай. Лекин қўзилаган қўйдан, тухум қўйган товуқдан фарқли ўлароқ инсон боласи ҳамиша бир орзу билан насл қолдиради, яъни инсонлар фарзандларининг ўзларидан ақллироқ, бақувватроқ, бахтлироқ бўлишини истайдилар. Бунинг учун умрларини бахш этадилар. Улар ўзларида етишмаган фозиллик, комиллик, маънавий баркамолликни ўз авлодларида кўришни истайдилар. Нега айримлар шу муқаддас бурч, олий вазифани ҳис этишмайди? Ота-она ўз фарзанди учун жонини ҳам аямайди-ку. Нега айримлар ўз болалари тақдири, бахтини ўйламайди? Ажрашаётган ота-оналар ўз фарзандлари кўзларига боқишаяптими? Болалар кўзларида нималарни кўришяпти? Бу мунгли, изтиробли кўзлар, «кетманг, отажон», «кетманг, онажон!» дея илтижо қилмаяптими?

Бу илтижолар, ўксик кўнгиллар уволи тутмайдими?..

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

XORIJDA

2 ТОННАЛИК ЮК

Сальвадор яқинидаги халқаро сувликда навбатчилик қилаётган Американинг соҳил қўриқчилари шубҳали катерни тўхтатиб, текширувдан ўтказганларида унинг бортида 2 тонна кокаин борлигини аниқладилар. 6 нафар денгизчи ҳибсга олинди.

Тезюрар катерни қўлга олиш операциясида Сальвадор ҳарбий-ҳаво кучларининг икки қирувчи самолёти ва 3 та вертолёти ҳам иштирок этди.

Мусодара этилган юкнинг баҳоси 48 миллион долларга тенг экан. Тахминларга кўра, катер Колумбиядан АҚШга қараб йўл олган.

МУДДАТ 15 ИЮЛДА ТУГАЙДИ

1996 йил декабрда 20 йилга озодликдан маҳрум этилган икки фаластинлик апелляция шикояти билан лордлар палатасига мурожаат этди.

Улар 31 ёшли Жавод Ботмех ва 33 ёшли Самар Аллами бўлиб, 1994 йили Исроилнинг Лондондаги элчихонасини портлатганликда айбланган ва жиноий жавобгарликка тортилган эди. Улар ҳануз бўйнига қўйилган айбни тан олишмаяпти.

Мазкур апелляция улар учун охирги имкониятдир. Ўзларининг айбсизлигини исботлай оладими-йўқми буни вақт кўрсатади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, 2001 йил ноябрда бўлиб ўтган апелляция суди уларни айбдор ва улар устидан ўқилган ҳукмни тўғри, деб топган эди.

Бу галги апелляция муддати 15 июлгача белгиланган.

ПОРТЛАШЛАР:

...ҲАРБИЙ ЗАВОДДА

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳридаги ҳарбий заводда содир бўлган портлаш оқибатида 3 киши ҳаётдан кўз юмди. «Poongsan Corp» компанияси раҳбарининг сўзларига қараганда, портлаш оддий технологик жараён пайтида кутилмаганда юз берган. Натижада завод биноси жиддий шикастланган, ён-атрофдаги уйларнинг ҳам ойналари чил-чил бўлган.

...БОЗОРДА

Жазоирдан 25 километр жанубдаги Ларби шаҳарчаси бозорида ҳам портлаш юз берди. Номаълум киши томонидан қўйиб кетилган бомба портлаши 30 га яқин кишининг умрига зомин бўлди. Хавфсизлик хизмати ва шифокорларнинг айтишича, яна 37 нафари оғир жароҳатланган.

БОСҚИНЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Челябинск вилоятида беш йигит ва икки қиз маст ҳолда темир-терсаклар билан қуролланиб, «Ан-2» самолётини эгаллаб олишди ва учувчини қўрқитиб, сайр қилдириб келишни талаб этишди. Учувчи уларни шаҳар осмонида сайр қилдиришга мажбур бўлди. Лекин ерга қўнгач, маст «террорчилар» қўлга олинди. Ҳозир туман прокуратураси улар устидан жиноий иш қўзғади. Безорилар 7 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

МУДОФАА ВАЗИРИ ҚУРОЛИНИ ТОПОЛМАЯПТИ

Грузияда чиқадиган «Дге» газетасида ёзилишича, бундан 2 ҳафта аввал Грузиянинг мудофаа вазири Давид Тевзадзе табел бўйича берилган қуролини йўқотган.

Гап шундаки, Рустави шаҳри яқинидаги йўлда катта тезликда кетаётиб, вазирнинг ҳайдовчиси «Jip»ни бошқаролмай қўлга шўнғиди. Ҳайриятки, ҳеч кимга шикаст етмади, фақат ўша ерлик одамлар уларни қутқараётган пайтда вазир қуролини йўқотган.

Икки ҳафталик қидирув самара бермади. Ҳозир сапёрлар ҳам ўз асбоб-анжомлари билан ёрдамга келишган.

ФРАНЦИЯ. СОҲИЛ БЎЙИ

МИЛЛАТ ВА ТАРИХ

«ТУЗУКЛАР»ДА ДАВЛАТ МАСАЛАЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Бешинчиси — Амир Темур ҳар бир қалб эҳтиёжини қондиришга, уни зару зеварлар билан зийнатлашга ҳаракат қилганки, билъакс, инсон ҳақ-ҳуқуқини англаб меҳнат қилар экан, яшаш эҳтиёжи билан ҳисоблашади; меҳнат қилиб, истаганидек турмуш кечирмас экан, ундаги фаолликни кучайтириш, шижоат ва ғайратни жўштириш қийин. Шунингдек, амирлар, сипоҳсолорлар, баҳодирларнинг иттифоқлиги ва бирлиги ғалабани таъминлашда асосий ўрин тутади. Амир Темур бу нарсани теран илғаган ва бундай ҳолатни юзага келтира олишга муваффақ бўлган. Шунинг учун у йигирма етти давлатни бирлаштиришга эришди: Эрон, Турон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, Ироқи араб ва Ироқи ажам, Мозандарон, Гилонот, Ширвонот, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Дашти қипчоқ, Хоразм, Қобулистон, Бохтарзамин, Ҳиндистон каби йирик давлатларга подшоҳ бўлиб, ҳукм сурган.

Олтинчиси — Амир Темур давлатда зулм бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайди ва жабр-зулм юритишга қарши туради. Динсиз жойда давлат туриши мумкин, аммо зулм бор жойда у таназзулга учрайди, дейди. Шунинг учун ҳам Бобур Мирзо Ҳиндистонни фатҳ этгач, ғанимлари билан, ҳатто энг ашаддий душманлари билан ҳам муроса-ю мадорага келиб, жабр-зулм ўрнига адолат майдонларини яратди, эзгуликни тараннум этди ва шу боис ҳам унинг авлодлари узоқ ҳукм сурдилар. Демак, давлат ишларида адолат билан бирга инсоф ҳам бош омиллардан бири саналади. Ҳатто, агарки унга душманлик қилиб, сўнг тавба-тазарру билан келган кишиларга адолат ва инсоф билан муомалада бўлади, натижада улардаги қўрқув ва ҳадикдан нишона ҳам қолмайди: унинг назарида фуқаро ўз ҳукмдоридан ҳаддан зиёд қўрқув ва ҳадикда бўларкан, бу ҳам жабр-зулмнинг ҳунук кўриниши ҳисобланади.

Еттинчиси — ажойиб фазилатли инсонлар қадрланиши лозим, шижоатли кишиларни яқин тутиш керак, уламо билан суҳбатда бўлиб туриш давлат ишларида катта фойда келтиради, аммо зинҳорбазинҳор, бузуқи ва оғзи шалоқ кимсаларни мажлисларга яқин йўлатмаслик, уларнинг туҳматларига, ғийбатларига эътибор қаратмаслик лозим.

Саккизинчиси — Амир Темурнинг фикрича, подшоҳ бир ишга киришдими, унга бутун фикри-зикри, кучини бериши уни битирмагунча ишдан қўлни тортмаслиги керак. Бир сўз айтдими — бажарсин. Одам Атодан бошлаб Ҳотам ул анбиёгача, яъни Муҳаммад пайғамбаргача, улардан то ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг давлатчилик борасида олиб борган сиёсатлари, қонунлари, туриш-турмушларини ўргансин, улардан намуна олсин. Давлатларнинг таназзулга учраш сабабларини сўраб-суриштирсин ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи бузуқчиликлардан сақлансин. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо келтирувчи ҳолатлардан эҳтиёт бўлсин.

Ҳофиз Обрў ўзининг «Жуғрофия» асарида шундай ёзади: (Мовароуннаҳр ер юзидаги) барча мамлакатлар ичида нознеъмат энг кўп жой саналади, иқлими соғлом. Ул диёрда очарчилик ва вабо камдан-кам ҳолларда бўлади. Агар ахён-ахёнда экинларга бирор зарар тегиб қолган тақдирда ҳам, уларнинг ўтган йилда йиғиб қўйган захиралари шунчалик кўп бўладики, яна бир йилдан ортиқ муддатга ҳам етади».

Одатда подшолар шундай фаровонлик ва тўкин-сочинликни орзу қиладилар. Биз бу далил-исбот орқали Амир Темур ўз давридаёқ тузукларида баён этган қонун-қоидаларга амал қилиб, раият учун шундай ҳаётни таъмин этганига гувоҳ бўламиз.

Тўққизинчи тамойилда биз бунинг яна бир тасдиғини топамиз: «Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға ўрнида, кичикларни фарзанд қаторида кўрдим». Шунингдек, ҳар бир мамлакат аҳволидан доимо воқиф бўлиб туради.

Ўнинчиси — унга хизматга кирган бошқа қабила, эл, элатларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатди, яхшиларга — яхшилик қилди, ёмонларни ўз ёмонларига топширди. Узр сўраб келганлари бўлса, уларни кечирди.

Ўн биринчиси — давлатли бўлганда, ўз яқинларини, таниш-билиш, ошна-оғайниларини унутмади. Ҳатто душмани билан келишиб яшади.

Ўн иккинчиси — хоҳ дўст, хоҳ душман бўлсин, навкарларнинг иззатини жойига қўйди. Ўз валенеъмати туз ҳақини олган сипоҳини ҳам беҳад қадрлади. Сотқинларни эса ўз душмани деб билди. Масалан, Тўхтамишхоннинг амирлари вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ҳузурига паноҳ излаб келишганда, «соҳиби берган туз ҳақига хиёнат қилганлар менга вафодорлик қилармиди», дея улардан юз ўгирди.

Амир Темур мусулмон ҳукмдори эди: **«Давлат дину ойин асосида қурилмас экан, тўра тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади».** У ислом динини ривожлантириб, шариатни мусулмон мамлакатларига ёйишда беҳад катта хизмат қилди ва ислом олимлари томонидан ўша юз йилликда Муҳаммад динининг янгиловчиси «фатво»сига сазовор бўлди. Шу тариқа давлат ишларини юритишда ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги етакчи омиллардан усталик билан фойдаланди: дину шариат ишлари тузукини тартибга келтиргачгина, салтанати тузукларини яратди. Салтанат мартабалари тузугини қуйидагиларга таяниб тузди:

— Салтанат қонун-қоидаларини ислом дини ва ҳазрати Муҳаммад шариатига боғлади;

— ҳар бир ишда, ҳатто муомалада ҳам меъёрни унутмади;

— яхшиларга ёндашди, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмади;

— халқини эъзозда тутди, жабр-зулмни ўзига бегона билди.

Амир Темур давлатнинг, ўз салтанатининг ижтимоий-сиёсий тизимини яратишда ўтмиш тажрибаларига таянган бўлсада, улардан кўр-кўрона нусха кўчирмади, негаки, бундай қалтис ҳаракат ҳамиша ҳар қандай давлат учун хавфли саналган. Хўш, у қандай иш тутиши керак эди? Ҳамма нарса ички сиёсатга боғлиқлигини яхши англарди, шу боис ниҳоятда пухта режалар тузди: ана шундай режаларидан бири — салтанатини ўн икки тоифага бўлди ва уларга таяниб давлат ишларини йўлга қўйди:

— Саййидлар, уламо, шайхлар, фозиллар биринчи табақадан ўрин олдилар. Диний, ҳуқуқий ва ақлий масалаларда фикрлар билдириш, маслаҳатлар бериш уларнинг асосий вазифалари эди;

— иккинчи тоифа: ақлли кишилар, кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар, кекса ва тажрибали кишилар эди;

— учинчи тоифага дуогўй кишилар киритилди;

— амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар тўртинчи тоифага мансуб, деб белгиланди;

— бешинчи тоифа — сипоҳ ва раият;

— олтинчи тоифа — энг ишончли кишилар;

— еттинчи тоифа — вазирлар, бош котиблар, девон муншийлари;

— саккизинчи тоифа — ҳокимлар, табиблар, мунажжимлар;

— тўққизинчи тоифа — муҳаддислар;

— ўнинчи — машойиҳлар, сўфилар, орифлар;

— ўн биринчи — касб-ҳунар эгалари;

— ўн иккинчи — саёҳатчилар, мусофирлар, савдогар ва карвонбошилар.

Амир Темур чуқур мулоҳаза юритадиган, узоқни ва орқа-олдини ўйлаб иш тутадиган ҳукмдор бўлгани боис давлат масалаларида ана шундай кенг ва батафсил фикр юритиб, сўнг бир тўхтамга келарди.

Соҳибқирон Темур ўз тажрибасидан келиб, подшоҳ қуйидаги ўн икки нарсага амал қилиш зарур, деб ҳисоблайди:

— сўзда қатъий, ишда шерик бўлмаслиги;

— ҳар нарсада адолатпеша бўлиши, адолатли вазир сақлаши;

— мамлакатда буйруқ-фармон бериш фақат подшонинг ихтиёрида бўлиши;

— подшоҳ ҳукми жорий этилиши;

— подшо эркини бошқага бериб қўймаслиги;

— ҳар кимдан фикр олиши, ундан керакли пайтда фойдаланиши;

— сипоҳ ва раиятга боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феълига қараб амал қилмаслиги;

— подшоҳ ҳайбати бошқаларни итоат ва тобеликка тортиб туриши;

— ҳукмини ҳурматда тутиши;

— ҳукм юргизишда ҳам шерик тутмаслиги;

— мажлис аҳлидан огоҳ ва ҳушёр бўлиши.

Соҳибқирон Темурдек буюк давлат арбобининг подшолар учун яратган тузуклари узоқ асрлар давомида қадрланиб келинди. Бунинг боиси шуки, аввало айнан ана шундай тўғри ва одилона тадбирлар орқали у марказлашган йирик давлатни бошқарди, яъниким бу амаллар катта синовдан ўтди ва ҳаётийлигини исботлади, демакки, ҳар бир давлат раҳбари учун аввало ҳаёт тасдиғини топган ана шундай қўлланмалар зарур бўлганлиги учун ҳам мазкур тузуклар ҳамон дунё эътиборини тортиб келмоқда.

■ Тўлқин ҲАЙИТ

Кураш

ПАҲЛАВОН МАҲМУДНИ ХОТИРЛАБ

3-4 июль кунлари Эрон пойтахти Теҳронда Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган биринчи халқаро турнир бўлиб ўтди. Уч вазн тоифасида ўтказилган ушбу мусобақада Япония, Эрон, Ўзбекистон, Покистон, Озарбайжон, Ҳиндистон, Арманистон сингари ўн саккиз мамлакатдан полвонлар гиламга чиқишди.

Олтмиш нафардан зиёд курашчилар ўзаро беллашган турнирда Артур Григорян (73 кг. Арманистон), Али Ризо (90 кг. Эрон)лар ўз вазн тоифаларида олтин медалларни қўлга киритишди. Иффатий Аҳмадий (Эрон) эса беллашувнинг мутлақ ғолиби, деб топилди.

90 кг. ва мутлақ вазн тоифасида Шокир Тўраев беллашувда юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Бироқ вакилимизга омад кулиб боқмади.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга медаллар, қимматбаҳо совғалар билан бирга Паҳлавон Маҳмуд сурати туширилган Хива гиламлари туҳфа этилди.

Турнирда республикамизнинг уч нафар ҳаками баҳсларни бошқарди.

Шунингдек, Жанубий Африка республикасида ҳам кураш бўйича иккинчи қитъа чемпионати ташкиллаштирилди. Бу мусобақада Африка қитъасининг йигирма давлатидан 150 нафардан зиёд курашчи гиламга чиқди.

Футбол

ИЛК УЧРАШУВ, ИЛК ҒАЛАБА

Мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси октябрь ойида Қатарда ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашади. Шу кунларда мураббий Виктор Жалилов шогирдлари Эронда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказишмоқда. Ҳамюртларимиз мазкур сафарлари мобайнида мезбонлар футбол клублари ҳамда ёшлар терма жамоаси билан бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказишни режалаштиришган.

Якшанба куни ёшларимиз эронлик тенгдошларига қарши майдонга чиқишди. Бу учрашувда футболчиларимиз ёшлар ўртасида Осиёнинг кучли жамоаларидан бири саналган мезбонларни 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Эрон ёшлар терма жамоаси дарвозасига тўпларни пахтакорчи Александр Гейнрих (иккита) ва Ярослав Крушельницкийлар киритишди.

Вакилларимиз навбатдаги учрашувни бугун ўтказишади.

■ Эркин ХОЛБОБО



Қарши шаҳрида каратэ бўйича вилоят ҳокими кубоги учун учинчи анъанавий турнир бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардаги бир қатор спорт клубларидан 680 нафар каратэчи иштирок этди.

Мусобақада умумжамоа ҳисобида «Қарши» клуби 1-ўринни эгаллади. Фахрли 2 ва 3-ўринлар Тошкент шаҳрининг «Алпомиш» ҳамда «Билол» каратэ клубларига насиб этди.

■ Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

INTER-SPORT

Португалияда 2004 йили ўтказиладиган футбол бўйича Европа чемпионатида... роботлар ҳакамлик қилиши мўлжалланмоқда. Шу кунларда Буюк Британияда «Хок-еа» ва «Би-Скай-Би» тизимларининг якунловчи синовлари кўздан кечирилмоқда. Бундай тизимлар ишланмасини ўйлаб топган Пол Хоукинс фикрига қараганда, ҳакамликнинг янги усули учрашувларни одил ва холис бошқаришга имкон берар экан. Гап шундаки, ҳар бир ўйинчининг пойабзалига кичкина мослама ўрнатилган бўлиб, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати ҳақидаги сигнални майдон чеккасидаги ускунага етказиб туради. Ўйинни бошқараётган ҳакамнинг қўлидаги дисплейда эса бундай ахборот ўз ифодасини топади. Бироқ, ФИФА ҳар қандай шароитда ҳам учрашувларни ҳақиқий ҳакам бошқаради, роботлар эса унинг ишига аниқлик киритиб туради, деган фикрда.

✧✧✧

Франциянинг «Лион» жамоасини чемпионликка олиб чиққан Жак Сантининг мамлакат терма жамоасига бош мураббий бўлиши кўзда тутилмоқда. Зеро у: «Мен Роже Лемернинг бўлиб ўтган жаҳон чемпионатдаги фаолиятини шарҳламоқчи эмасман» демоқда.

✧✧✧

Жаҳон чемпионатининг энг яхши тўпурари номига сазовор бўлган Роналдо Мадриднинг «Реал» жамоасига ўтмоқчи эмаслигини маълум қилди. Роналдога эса Миланда бўлиш маъқул экан.

✧✧✧

Кеча Россия футбол уюшмаси ижроқўмида мамлакат терма жамоасининг жаҳон чемпионатдаги иштироки ҳамда бош мураббиий Олег Романцевнинг истеъфога чиқиши масаласи кўрилди. Анатолий Бышовец эса: «Россия терма жамоасини бошқаришга қўйилган номзодим ўтмайди, мамлакат жамоасини ЦСКАга раҳбарлик қилаётган Валерий Газзаев қўлга олиши керак», деган фикрни маълум қилди. Россия футболчиларига кимнинг бошчилик қилишини эса вақт кўрсатади.

✧✧✧

Туркия терма жамоаси ҳимоячиси Алпай Ожалан Англиянинг «Астон Вилла» жамоасида ўйнамоқчи эмас. Бу клуб жаҳон чемпионатининг учинчи совриндори салоҳиятига мос келмас экан. Ҳимоячи қандай бўлмасин, Оврўпа клубларидан бирида ўйнаш ниятида.

■ Internet маълумотлари асосида тайёрланди

ШОҲМОТ ОЛАМИДА

СТЕЙНИЦ ҒАЛАБАСИНИНГ СИРИ

Инсоният маданияти тарихида шоҳмот етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шоҳмот яратилган вақтдан буён ўтган узоқ давр мобайнида кишини лол қолдирадиган кўплаб ажойиб ўйинлар бўлиб ўтган. Лекин шунга қарамай, жаҳон чемпионлиги учун расмий учрашувлар фақат XVIII асрнинг охирларида бошланган. Дастлабки расмий биринчилик эса 1886 йил 11 январдан то 29 мартгача давом этган. Бу баҳс Америка давлатининг Нью-Йорк, Сан-Луи, Нью-Орлеан шаҳарларида ўтказилди. Унда ўз даврининг икки буюк шоҳмотчиси чех Вильгельм Стейниц (1836-1900) ва немис Иоганн Цукерторт (1842-1888) лар куч синашган.

Хўш, нега айнан бу икки шоҳмотчи жаҳон тожига даъвогарлик қилишган? В. Стейниц 1862-86 йилларда Европа ва Американинг энг кучли шоҳмотчилари билан йигирма бор куч синашиб, уларнинг барчасида ғалабага эришган. Масалан, 1876 йилда Д. Блэкберн билан бўлган учрашувда кетма-кет етти партияда ғолиб чиққан. Стейниц ўз даврининг кучли шоҳмотчиларидан бири бўлиб танилишида унинг А. Андерсен билан учрашувларидаги муваффақиятлари ҳам катта роль ўйнади. Чунки А. Андерсен 1851 ва 1862 йилда ўтказилган халқаро учрашувларда биринчи ўринни қўлга киритган эди. Стейниц 1866 йилда Лондонда Андерсен билан баҳсда ғолиб чиқди. У биринчи бўлиб саккиз маротаба ғалаба қозонишга эришган. Умумий ҳисоб 8:6 бўлди. Шуниси қизиққи, баҳс давомида бирор марта ҳам дуранг натижа қайд этилмади. Даъвогарнинг рақиби И. Цукерторт ҳам 1883 йилги Лондон турнирида биринчи ўринни эгаллаганди. Икки забардаст шоҳмотчи шундан сўнг жаҳон чемпионлигига даъвогар бўлиб қолдилар.



Биринчи расмий матч ҳам бошланди. Қоида бўйича Стейниц-Цукерторт баҳси 10 та ғалабагача давом этиши керак эди. Жаҳон биринчилиги дунёнинг барча шоҳмот мухлисларида катта қизиқиш уйғотди.



— Залда шунчалик кўп томошабин тўпланган эдики, — деб ёзганди ўшанда «Интернейшенелчесс» газетаси. — Залга сиғмаганлар ўйинни ташқаридан туриб кузатишга мажбур бўлганлар. Бу ерда фақат шоҳмотга алоқаси бўлган ньюйоркликлар эмас, балки бошқа мамлакатлардан келган шоҳмот ихлосмандлари ҳам бор эди. Учрашув биринчи босқичида Цукертортнинг қўли баланд келди. Беш партиядан сўнг, ҳисоб унинг фойдасига — 4:1 эди. Лекин Стейниц кейинги тўрт партияда яхши ўйнади ва 3,5 очко тўплади.

Матчнинг иккинчи ярмида эса Стейниц ташаббусни ўз қўлига олиб, уни мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, Стейниц биринчи бўлиб, жаҳон шоҳмот тожини қўлга киритди.

Стейниц жаҳон чемпиони унвонини саккиз йил мобайнида ушлаб турди. 1894 йилда эса жаҳон шоҳмот тожи учун бўлган навбатдаги матчда Ласкерга ютқазиб қўйди. Ласкер 27 йилу 4 ой бу олий унвон соҳиби бўлди.

■ Анвар ИНОҚОВ

✧✧✧

(Стейниц — Барделебен партияси. Юриш Стейниццан).

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 671

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ КИМОШДИ, ТАНЛОВ ВА БИРЖА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

9 ва 16 август кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларига

Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 2-уйда жойлашган «Реле ва автоматика» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг:

1982 йилда и/ч «МАЗ-5334», д/р 4861 ТНА. Бошланғич нархи — 3 455 865 сўм;
1979 йилда и/ч «ЗИЛ-ММЗ-4502», д/р 10АК102. Бошланғич нархи — 1 682 856 сўм;
1982 йилда и/ч «ГАЗ-53», д/р 4485 ТНА. Бошланғич нархи — 696 420 сўм;
1965 йилда и/ч «ГАЗ-51А», д/р 10 АК 699. Бошланғич нархи —348 210 сўм;
1988 йилда и/ч «УАЗ-3303-01», д/р 1587 ТНН. Бошланғич нархи — 523 126 сўм;
1988 йилда и/ч «Т 28х 4М-АС1» трактори, д/р 41-64 ЕБ тр. Бошланғич нархи — 1 080 480 сўм бўлган автотранспорт воситалари қўйилади.

2, 9, 16, 23 август кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларига

Тошкент шаҳар ҳокимияти Капитал қурилиш бош бошқармасига қарашли 1-сонли Капитал қурилиш бошқармасининг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Уйғур кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 2508,0 кв.м. бўлган 6-сонли ҳаммом биноси. Бошланғич нархи — 56 231 941 сўм.

9, 16, 23, 30 август кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларига

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимиятининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «ТТЗ» даҳаси, 2-мавзе, Белоножко кўчаси, 2-уйда жойлашган умумий майдони 5835,0 кв.м. бўлган. (А ва Б блокдан ташкил топган) 9 қаватли 7-сонли ётоқхона биноси қўйилади.

Бошланғич нархи — 133 181 000 сўм ёки 191 523 АҚШ доллари.

КИМОШДИ САВДОСИ СОАТ 10.00 БОШЛАНАДИ.

2, 9, 16, 23 август кунлари бўлиб ўтадиган танлов савдоларига

«Тоштўқимачи» акциядорлик жамияти балансидаги, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, «Абдуллаева» даҳаси, 3-А уйда жойлашган, 4-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич нархи — 40 000 000 сўм ёки 57 523 АҚШ доллари.

9, 16, 23, 30 август кунлари бўлиб ўтадиган танлов савдоларига

«Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонасига қарашли Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 10-уйда жойлашган 392-сонли «Лола» болалар боғчаси қўйилади.

Бошланғич нархи — 16 571 620 сўм ёки 23 831 АҚШ доллари.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биноси ва иншоотларни қайта таъмирлаш ҳамда жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Кимошди ва танлов савдоларида қатнашиш учун объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўланади.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш кимошди савдолари бошланишидан 1 соат олдин, танлов савдолари бошланишидан 3 кун олдин тўхтатилади.

ТАНЛОВ САВДОСИ СОАТ 11.00 ДА БОШЛАНАДИ.

РКМБ Тошкент шаҳар филиали Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Файзулла Хўжаев кўчаси, 2-уйда жойлашган «Ўзкабель» ДАБга қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари биржа савдоларига ўтказилганлигини маълум қилади. 1992 йилда и/ч «ВАЗ-2109», д/р 10 АС 485. Бошланғич нархи — 1 110 413 сўм. 1992 йилда и/ч «ГАЗ-31029», д/р 6900 ТНБ. Бошланғич нархи — 976 469 сўм. 1992 йилда и/ч «ГАЗ-2410», д/р 6589 ТНБ. Бошланғич нархи — 672 041 сўм. 1992 йилда и/ч «ГАЗ-САЗ-3507-02», д/р 0774 ТНА. Бошланғич нархи — 1 622 527 сўм. 1992 йилда и/ч «ГАЗ-САЗ-3507-02», д/р 0775 ТНА. Бошланғич нархи — 1 622 527 сўм. 1992 йилда и/ч «ЗИЛ-495710», д/р 0880 ТНН. Бошланғич нархи — 2 971 987 сўм. 1992 йилда и/ч «ЗИЛ-ММЗ-4502», д/р 4255 ТНБ. Бошланғич нархи — 1 905 120 сўм. 1989 йилда и/ч «КамАЗ-55111», д/р 8561 ТНИ. Бошланғич нархи — 4 228 604 сўм. 1989 йилда и/ч «КамАЗ-5410», д/р 7097 ТНИ. Бошланғич нархи — 5 409 452 сўм. 1989 йилда и/ч «ОДАЗ-9370», д/р 5689 ТН. Бошланғич нархи — 1 496 880 сўм.

Биржа савдолари ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

ГЕРМАНИЯДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚСЛАРИ

Германиянинг Неллиген шаҳрида халқаро мусиқий байрам бўлиб ўтди. Ҳар йили ўтказиладиган мазкур байрамда Ўзбекистон, Бельгия, Дания, Голландия, Швейцария ва Германия рақс дасталари иштирок этди.

Байрамда Марғилондаги 6-мактаб ўқувчилари ўзбек рақс санъатини намойиш этдилар. Шунингдек, улар Беллинген шаҳри ва Штутгартнинг Линден музейида ҳам чиқиш қилдилар.

Фроммерн немис фольклори ва рақс гуруҳи раҳбари М. Штингел ўзбек рақс санъати таҳсинга лойиқ эканлигини таъкидлади. Ватанимиз раққосаларининг муваффақияти Германияда ўзбек халқи маданиятига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлигининг яққол исботи бўлди.

Байрам давомида уч мингдан зиёд меҳмон «Баден-Вюртембергда учрашув» дея номланган Ўзбекистон павильонини томоша қилди. Уларга серқуёш ўлкамизнинг бугунги куни билан таништирувчи турли хил ахборот материаллари тарқатилди.

■ «Жаҳон» АА

«TADBIRKOR» UNIVERSAL KO'CHMAS MULK, TOVAR, XOM ASHYO FOND BIRJASI» MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATINING ЎТГАН ҲАФТАДАГИ САВДО НАТИЖАЛАРИ

Биржа ва унинг филиалларида ўтган ҳафтада 6 та биржа савдоси ўтказилди.

Ташкил этилган савдоларда 60 та объект 25 462 000 сўмга сотилди. Биржа савдоларига автотранспорт воситалари, қишлоқ хўжалик техникалари, асбоб-ускуналар, уй-жойлар ва бошқа иншоотлар қўйилган.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан 1993 йил 2 декабрда Валяев Александр Михайлович номига берилган № 08-01/1954/ рақамли Давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ҲДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюроси вилоят партия кенгаши аъзоси, Бўка тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Қутбинисо Ҳайдаровага падари бузруквори **Зайниддин ҲАЙДАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тафаккур» журнали жамоаси журнал бўлим мудири, ёзувчи Набижон Боқийга онаси **ТУРСУНОЙ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.